

Маълумки, шу йилнинг 1 октябрдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан тамаки ва вино-арақ маҳсулотларига акциз маркарлари жорий этилди. Бу, албатта, ўз вақтида амалга оширилатган тадбир бўлиб, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар сифатли бўлишини таъминлаш, бу иш устидан давлат назоратини ўрнатиш ҳамда уларни солиққа тортишда муҳим ўрин тутадиган омилдир. Биз ушбу фаолият қандай амалга оширилатгани ҳусусида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Хусниддин Зухурович ҲОШИМОВ билан суҳбатлашдик.

Долзарб мавзуда

АКЦИЗ — СИФАТ КАФОЛАТИ

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, — дейди Хусниддин Зухурович, — акциз маркарларини жорий этиш мақсадида давтавал катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Унинг йўналишлари, қўламини эса шу йилнинг 18 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркарларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳамда шунга мувофиқ чиқарилган иккинчи — Республика-миз ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар учун акциз маркарларини жорий этиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги қарор белгилаб берди.

Юқоридаги икки қарор асосида ўтказилган тегишли тадбирлар режаси белгилаб олинди. Бизнинг туманлардаги тузилмавий бўлиналарида тезкор гуруҳлар ташкил этилиб, улар зиммасига солиқ тўловчиларга акциз маркарларини тадбир этиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан асосий тушунтириш ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди. Жумладан, тезкор гуруҳлар томонидан бир қатор семинар-урашувлар ўтказилиб, уларда акциз маркарлари олиниши муносабати билан тамаки ва вино-арақ маҳсулотлари қолдиқларини қайта ҳисоблаб чиқиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, масалаларга асосий эътибор қаратилди. Қолдиқ маҳсулотларни рўйхатга олиш бўйича барча маълумотлар тўплами бизнинг компьютер марказимиз томонидан тайёрланди. Унга қўра, ўз вақтида зарур миқдордаги акциз маркарларига буортмалар берилди. Узаро уйғунликдаги ушбу барча ишлар натижасида кўпгина савдо ташкилотлари керакли фаолиятини амалга оширган ҳолда ўз маҳсулотлари учун акциз маркарларини олдиндан сотиб олдилар.

— Акциз маркарларини жорий этишдек янгилик, албатта, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уни четдан келтириш ва сотиш фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш ҳамда юқоридаги маҳсулотларни қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ва республикамиз ҳудудида келтиришни олдини олиш заруратида юзага келди. Шундай эмасми?

— Галингиз тўғри, бироқ бундай хайрли мақсадини ҳамма ҳам бирдек тушунавермаслиги ачинадиган ҳолидир. Хусусан, бизнинг ҳодимларимиз текширув чоғида тўқнашган қонунбузарликларни бундан бошқача изоҳлаб бўлмайди. Жумладан, октябрь ойининг дастлабки икки haftасида ҳодимларимиз томонидан 1080 та рейд ўтказилган бўлиб, ушбу тадбирлар чоғида акциз маркарлари бўлмаган 80161 шимма вино-арақ маҳсулотлари ҳамда турли хилдаги 592420 қўти сигареталар савдодан олинди. Мазкур маҳсулотларнинг бари вақтинчалик сақлаш учун омборларимизга жўнатилди. Қонунбузарларга тегишли ҳужжатлар тайёрланди қонунга мувофиқ равишда кўриб чиқиш ва чоралар белгилаш мақсадида Республика давлат солиқ бошқармасининг махсус назорат-тафтиш комиссиясига топширилди. Шу ўринда айрим масалаларга мурожаат қилсақ вазият янада ойдинлашади. Тошкент Очқопари савдо расталарининг ўзидан акциз маркарлари бўлмаган 1,5 миллион сўмлик вино-арақ маҳсулотлари савдодан олинди.

Чунки 13 октябрь куни ўтказилган текширув чоғида улгуржи бозорда савдо қилаётган У. Муслимов, Ж. Очқов, А. Нурматов ва Б. Маджидовлардан акциз маркарлари бўлмаган 1.94430 сўмлик 16450 қўти сигарет олинди. Текширув чоғида хусусий меҳнат фаолияти билан шугулланувчи Ф. Соипова акциз маркарлари бўлмаган 26 миң кутидан кўпроқ, У. Аширбоева эса 15 миң қўти сигареталарни қонунга ҳилоф равишда сотаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, «Шош Хором» масъулия-

ти чекланган жамият қошида фаолият кўрсатётган «Амир» ресторани баридан текширув пайтида 1242 шимма спиртли ичимликлар, «Та-та» меҳмонхонаси ресторанидан эса акциз маркарларисиз сотилаётган 3310 шимма ичимликлар савдодан олинди.

— Ажабланарли ҳол. Нима, ушбу қонунбузарлар маҳсулотларини акциз маркарлари билан сотиш лозимлигини билмаганмилар, уларни олиб улгурмаганилар ёхуд бунинг бошқа сабаблари борми?

— Албатта, бу борада ҳаммадан ҳар хил вақталарни эшитиш мумкин. Бироқ бунинг асосий сабаби шундаки, юқоридаги маҳсулотларга аксарият ҳолларда ўз вақтида акциз солиғи тўланмаган ва тегишли ҳужжатлар олинмаганлигидадир. Гап шундаки, акциз маркарлари солиқ инспекциясининг қитанцияси ва миқдори кўрсатилган тегишли турдаги акциз маркарлари учун ҳисоб-буортмаси кўрсатилганидан сўнг «Пахтабанк»нинг ҳудудий бўлиналари томонидан берилди.

Агар барча ҳужжатлар жойида бўлса акциз маркарлари олиш юзасидан ҳеч қандай муаммоларга дуч келмайсиз. Ҳозир акциз маркарларини бериш жараёнига Тошкент шаҳрида «Пахтабанк»нинг учта шохобчаси жалб этилган. Жумладан, Хусайн Бойқаро кўчаси, 4-«а» уйда жойлашган шохобча Сергели, Бектемир, Миробод туманлари аҳолиси учун хизмат кўрсатса, Муқимий кўчаси, 43-уйдаги шохобча Чилонзор, Акмал Икромов ва Яқкасарой туманлари тадбиркорларини акциз маркарлари билан таъминлайди. Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов, Мирзо Улугбек ва Юнусобод туманида истикомат қилувчилар эса Абдулла Қодирий кўчаси, 7-уйда жойлашган «Пахтабанк» шохобчасига мурожаат қилишлари мумкин.

Умуман, ҳозир тегишли ҳимоя воситалари билан таъминланган ҳолда махсус қоғозда 21 турдаги акциз маркарлари босмадан чиқарилди. Улар индекси бўйича ўзаро фарқланиб, маҳсулотни ҳажми, тайёрлаш вақти бўйича тавсифлайди ҳамда маҳсулот тури ва уни тайёрлаган давлатни кўрсатади.

— Кейинги кунларда шахримиздаги дўконлар пештахталари, улгуржи бозорлар савдо расталарига назар ташлаган киши вино-арақ ва тамаки маҳсулотларини сезиларли даражада камайганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Бу нарса нархларнинг ўсишига олиб келиши маълум...

— Бунинг сабаби — ўрнатилган қонун-қоидаларнинг бузилиши, айрим нопок қимсаларнинг унга риоа қилмаслигидадир. Гап шундаки, акциз маркарларининг номинал нархи — алкогольли ичимликлар учун 14 тийин, тамаки маҳсулотлари учун эса 9 тийин қилиб белги-ланган бўлиб, у юқоридаги маҳсулотлар нархи сезиларли даражада таъсир кўрсатмайди. Яна бир марта қайтараман, бу муаммонинг ечими биринчи навбатда солиқ тўловчиларнинг мавжуд тартиб-қоидаларга қандай риоа қилишига боғлиқ. Ахир, қўрқурқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, акциз солиғи маҳсулот сифатини кафолатлаш, давлат бюджетини тўлдириш мақсадида муҳим восита сифатида жорий этилганлигини барчамиз тушуниб етмаймиз-ку. Акциз маркарси акциз солиғи тўла йилгилиги устидан давлат назоратини ўрнатишга кўмак беради. «Қонунларни билд» маслиҳат эса, маълумки, уларни бузганлик учун жавобгарликдан ҳалос этмайди.

— Акциз солиғи тўлашдан бўйин товлаган қонунбузарлар учун қандай чоралар кўрилади?

— Агарда маҳсулот учун ўз вақтида акциз солиғи тўланаб, боғнона декларацияси ҳам мавжуд бўлсаю бироқ текширув чоғида акциз маркарларига дуч келинмаса — бундай маҳсулот эгалари учун мазмурий чоралар кўрилади. Мабоодо, маҳсулот ноқонуний йўллар билан келтирилган бўлса, тегишли сертификатга эга бўлмаса, акциз солиғи ҳам тўланмагани чоғида материаллар қонунда кўзда тутилган чораларни кўриш учун суд идорасига топширилади.

— Келгусида акциз маркарлари жорий этилганини вино-арақ ва тамаки маҳсулотларини сотиш билан боғлиқ кишиларнинг барчаси билиб, унга амал қила бошлаганини эътиборга оладиган бўлсак, айтингчи, солиқ идораларининг бундан кейинги фаолияти нималарга йўналтирилади?

— Бундай тақдирда асосий эътиборни профилактика тадбирларини ўтказишга қаратамиз. Вино-арақ ва тамаки маҳсулотларида акциз маркарлари бўлишидан ташқари, муҳими, улар давлат стандарти талабларига мувофиқ равишда ёпиштирилиши ҳам даркордир. Яъни акциз маркарси сигарета ёки спиртли ичимлик қопқоғи очилаётганида йиртилмайдиган қилиб ёпиштирилади. Бу акциз маркарси ўз вазифасини бажарганлигини билдирди. Акциз маркарлари маҳсулотга нотўғри ёпиштирилган ҳолларга дуч келинса, маҳсулот, албатта, савдодан олинади. Уни сотаётган шахс эса давлат стандартини бузганлиги учун жавобгарликка тортилади.

Суҳбатдош
Дилшод ИСМОИЛ.

2-трамвай саройи шахримиздаги энг йирик жамоалардан бири. Бу ерда икки юздан ортқк трамвай мавжуд. Бу вагонларни қишга тайёрлаш учун режалари иш олиб борилди. Биринчи навбатда саройдаги 136 та «Татра» русумли вагонлар таъмирдан чиқарилди. Бу ишга жалб этилган кишилар ўз масъулиятларини яхши сезишди. Таъмирлаш участкалари атрофи доимо саранжом-саршари тутилди. Ҳандақлар ва кийиниш хоналари тартибга солинди, синиқ ойналар янгисига алмаштирилди. Иситиш шохобчаларидаги носозликлар қайта тикланди. Қишинг ҳар қандай об-ҳаво шароитида аҳоли манзилини яқин қилиш ниятида, айниқса, Ринат Мархабулин етакчилигидаги бригада аъзолари фаоллик кўрсатишди. Улар орасида бўёқчи Надежда Лукьянованинг меҳнатлари алоҳида таъсирга эга бўлди. Бу аёл трамвайларни йўловчилар дидига ёқадиган қилиб бўёшда ибрат бўлди. Синган ойналарни бутлаш-

да Набихон Алимұхамедов тезкорлик билан ишлади. Дурадгорлик касби билан шўхрат қозongan Саид Со-биров, Баҳодир Зоидов, Сергей Дубровскийлар трамвай салонларини қайта жиҳозлашда астойдил тер ту-кишди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти-

янгиланди, — дейди биз билан суҳбатда сарой касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Музаффар Хошимов. — Бу ишга ибрат кўрсатган меҳнат пешқадамлари эса пул муқофоти билан тақдирландилар.

Режада кўрсатилган 110 та ўрнига

Киш тайёргарликни ёқтиради

МАВСУМГА МОСЛАБ

ға ўтиш давридаги машаққатларни энгишда эҳтиёт қисмларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш чоралари изланди.

— Саройда жами 8 та йирик но-зимхона мавжуд. Улар киш шароитига мослаб таъмирланди. 5,8,9-ётоқхоналарнинг томлари қайта со-лар дидига ёқадиган қилиб бўёшда иб-рат бўлди. Синган ойналарни бутлаш-

114 та трамвайнинг электр жиҳозла-рини тармоқлари, ойна тозалогичлари, салон эшиклари назорат қилинди ва носозлари қайта таъмирланди. Элек-тр аргетатлари, кум сақланадиган яшиқлар ҳайдовчилар талабига жа-воб берадиган даражада соланди.

Киш кезларида вагон бошқариш анча қийин. Бундай қийинчиқлар-ни энгиш мақсадида 277 нафар

ҳайдовчининг касб маҳорати синаб кўрилди. Уларга қўча ҳаракати қои-далари ва трамвай техника тузили-ши пухта ўргатилди. Кишга тайёргар-лик давомида чилангарлар ўртасида «Кимнинг иш жойи тоза» ўзаро мусо-бақаси ўтказилди. Яқинда ушбу бел-лашувнинг дастлабки натижаси маъл-ум қилинди. Қодир Наумов ва Ро-ман Лилар беллашув голиби деб то-пилдилар. Бунинг устига бу назорат-чилар 2255, 2514, 2223, 2227, 2026-вагонларнинг киш мавсумига пухта тайёрлаганликларини амалда исбот-ладилар.

— Бу йилги киш мавсумига тайёр-гарлик ишларини эрта бошлаганимиз, — дейди биз билан суҳбатда 2-трам-вай саройи бошлиғи Абдураҳим Аб-дуҳақимов, — Шунинг учун ҳам бар-вақтқор ҳар қандай об-ҳаво шарои-тида ҳам трамвайларимизни йўлов-чилар хизматиға тайёрлаб қўйдик.

Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ.
Усмон МУҲАМЕДОВ.



«Тошкентте таъкирлури»ни ҳисобдорлик жамиятига қарашли 2-қўрилиш бошқармасининг бўёқкорлари шахримизда сўлаб баланд қаavatли уйлари қад ростлатмоқдалар. Улар айни вақтда «Тошкентте таъкирлури»ни ҳисобдорлик жамиятига қарашли 4 қаavatли уйлари қурши билан машғуддилар. Бу уйлари 2 таси А. Хўжаев ва Уйгур кўчалари оралиғида бўлиб, уларнинг ҳар бири 16 хонадондан иборатдир.

СУРАТЛАРДА: (уйда юқорида) электр пайвандчи Игорь Будаков; (пасида) гишт терувчи Ф. Пизалмундинов; (чапда юқорида) моҳир гишт терувчилардан Олим Аслом, Ринат Абдуллин ва Тухтамурод Тошқўжаев; (пасида) иш юртлуви Абсалом Рустамов. Бу моҳир бўёқкорлар ҳар бир кунни ганимат қилиб, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Рашид Галиев олган суратлар.

Диккат, янгилик!

ЎЗБЕК «ЖИП» АВТОМОБИЛИ

Мана, мамлакатимиз автомобиль санаятига ҳам асос солинди. Асака шаҳрида ишга тушган «ЎДЭУав-то» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Дамас» ва «Некси» авто-мобиллари республикамизнинг барча минтақаларида сотувага қўйилди ва ўз харидорларини топмоқда. Аҳо-ли бундан жуда-жуда мамнун. Ва ниҳоят ақинда Тош-кент Давлат автомобиль йўллар институтига фер-мерлар учун янги автомобиль лойиҳаси яратилди. Биз фермер автомобильини яратилиш тарихи, ўзи-га хос хусусиятлари ҳақида гапириб беришни Тош-кент давлат автомобиль йўллар институти ректори, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир-аъзоси Сарвар Қодировдан илтимос қилдик.

— Биласизми, биз яқин кунларга Япониянинг «ЖИП» автомобилларидан фарқли уларок кам ёнигли сарфлайди- ган, ҳар қандай шароитга чидамли, фермерларимиз учун қулай бўлган автомобиль яратиш ниятида эдик, — дейди Сарвар ака. — Шўржи, бу ниятимиз амалга ошди. Аммо бунинг учун анчагина уйланишга, меҳнат қилишга тўғри кел-ди. Бинобарин, бизнинг олдимизда, хўш энди қайси авто-мобилни янги лойиҳа учун асос қилиб оламиз, деган савол кўндаланг турарди. Чўнки ўзингизга маълумки, Япониянинг, Германиянинг, Америка Қўшма Штатларининг «ЖИП» авто-мобиллари бор. Аммо уларнинг нархи жуда баланд. Ўзбек фермерлари бу автомобилларни сотиб олишга қодир эмас-лигини ҳисобга олиб, биз Марказий Осиё шароитида кўп йиллардан бўён қилаётган ҳаммага таниш «УАЗ» ав-томобилини негиз сифатида олдик. Чўнки у фойдаланишда жуда қулай, эксплуатацияси ҳамда техник қарови унғай. Хар қандай ҳайдовчи ёки деҳқон бу юмушларни ўзи бажариши мумкин. «УАЗ» автомобилнинг битта камчилиги — ёнигли бироз кўпроқ сарф қилади. Бу кўрсаткич бизнинг тоғли ва қумли шароитларда 100 километрга 20 литрни ташкил қила-ди. Шу боис ҳам янги яратилмақда автомобильимизга дизель двигателини ўрнатишни жоиз топдик. Унга мос двигателини ишлаганимизда эса Тошкентдаги «АВТАШ» Ўзбекистон — Че-хия қўшма корхонаси жонимизга оро кирди. У ерда машина-ларга авиадвигателлар қўйилди. Бу авиадвигателлар 80 от кўчига эга. Биз ана шу авиадвигателни ўз автомобильимизга мосладик. Шундан кейин унинг кўрсаткичи — хар ўз кило-метрга сарф бўладиган ёнигли атиги 8 литрга тушди. Нати-жада бу автомобиль шўндай қўрилишга келдики, унинг тех-ник кўрсаткичлари, ёнигли сарфи, юриш тезлиги ўша чет эл «ЖИП»ларидан қолшмайди, эди фақат қузов қисми ишлаб чиқилса бос. Шўндагина у ўзбек фермерлари учун қулай, нархи ҳам анча арзон автомобиль бўлади.

— Сарвар ака, шу автомобилни кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тегишли ташкилотлар билан маълум шар-тномалар тузилаптими?

— Агар бизга куазов технологиясини ишлаб берсангиз, биз янги машинани ишлаб чиқаришга тайёрмиз», — деган қўлгина мурожаатлар бўлди. Хусусан, бизга бу ҳақда Рес-публика Мудоффа вазирлигидан тақдирлар тушди. Айни чоғ-да бизни қўлинатган айрим муаммолар ҳам бор. Булар кон-структор билан технологиялар масаласидир. Албатта, бу ян-гилигимиздан Ўзбекистон автомобиль санаяти уюшмаси раҳ-барияти ҳам хабардор. Энг муҳими, бизнинг автомобилни-мизни кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун завод қуриш шар-ти эмас, фақатгина кичкина цех қуриб, ишларни ташкил этиш мумкин. Кузов ишлаб чиқарадиган цех ташкил қилинса, дви-гателни ўрнатиш катта муаммо эмас.

— Машина қандай қўрилишда бўлади?

— Янги ўзбек автомобили ўзига хос қўрилишга эга бўлади ва, албатта, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилди, Айни чоғда янги автомобилга тааллуқли барча ҳужжатларни патент идо-расига топширганмиз.

Ха, ҳаш-паш дегунча Асакадаги «ЎДЭУавто» қўшма кор-хонаси конвейерларида ўн мингича автомобиль ишлаб чи-қарилди. Унга ҳаммоҳанг равишда фермерлар учун янги, қу-лай, бежирим ва арзон нарҳдаги автомобиль ҳам ҳадемай фойдаланишга топширилди.

Биз ўйлаيمизки, янги фермер автомобилини яратишда республикамизда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ўза-рининг кўмаги ва ҳомийлигини дариг тутмайдилар.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камасининг «Тошкент шаҳри аҳолисига йў-ловчи ташити транспорти хизмати кўрсатиши- ни, тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги қароридан сўнг «Тошшаҳарйўловчи-ранс» давлат уюшмаси таркибидида автопарк-лар, трамвай ва троллейбуслар деполари раҳ-барлари ўз қорхоналарининг моддий-техни-ка базасини мустаҳкамлаш ва ривожланти-риш, шу жумладан, хорижий сармояни жалб этган ҳолда яратитиш учун зарур чора-тадбир-ларни кўриштилар. Ҳаракатдаги составнинг техник ҳолати яхшиланмоқда. Транспортлар-нинг қатнов жадаллари қайта кўриб чиқил-моқда. Шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш ма-данийтини ошириш юзасидан қатор тадбир-лар белгиланмоқда.

Ҳозирги кунда уюшма тизимида 108 та ав-тобуслар йўналиши, 6 та шаҳаролди йўнали-ши, 22 та трамвай, 22 та троллейбус йўнали-ши ва 36 та йўналишли таксилар хизмат кўр-сатмоқда. Ушбу ҳаракат воситалари тармок-

монидан қувонч билан қўтиб олинди. Беруний, Хадра, Талабалар шаҳарчаси ора-лиғидаги 7 километргаги троллейбус симла-ри қайта таъмирланди. Нобот устунлар ян-гисига алмаштирилди. Ўнқир-чўнқир йўл-лар асфальтланди. Амир Темур — Навоий — Уричқий оралиғидаги трамвай йўллари бу-зилиб, қайта бунёд этилди. Форобий кўчаси — Талабалар шаҳарчаси орасида 4,2 каки-рим троллейбус линиясининг фойдаланишга топширилиши Эски шаҳар аҳолисига яна бир қулайлик яратди.

Тошкентимизнинг Эски шаҳар қисмидаги Сарбон, Форобий, Қорасарой, Туроб Тўла, Аб-дулла Қодирий кўчаларида қайта қуриш иш-лари жадаллик билан ниҳонсига етказилди. Ҳозирда бу йўналишларда ҳам янги транс-портлар қатнови йўлга қўйилган. Янги Фаргона йўли кўчасидан Қўйлик бозоригача бўлган ма-софадаги трамвай излари ҳам янгиланди.

Аҳолининг трамвай ва троллейбус хизма-тига бўлган талаб ва эҳтижини қондириш мақсадида Крупская, Шимол, Озодлик, Ниё-зов кўчаларида юқори қувватли қучлинишга эга бўлган энергия жамловчи ва ишлаб чи-қарувчи нимстанциялар ишга туширилди. Бу ўзгармас юқори қувватли нимстанциялар энергияга бўлган тақчилликни камайтиришга олдди келди.

Бугунги кунда электр транспортнинг му-ҳим тармоғи ҳисобланган троллейбус линия-сини узайтириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Шулардан бири Амир Темур хиё-бони — Фаргона йўли — Қўйлик бозори бўйлаб 19,6 какиримили троллейбус қатнови-ни йўлга қўйиш масаласидир.

«Пахтакор» янги автостанцияси биринчи навбати тўла фойдаланишга топширилди. Юнусобод даҳасининг 12-мавзёида янги нав-батчилик пункти, «Чилонзор» метро бекати олдида ҳам иккита шунақа пунктлар ишга ту-ширилди. Шу тўғрйлик Қорақамиш, самолёт-созлик, Тракторсозлик уй-жой мавзелари, Улўғбек қишлоғи, Мирзо Улўғбек туманидаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш иш-лари яхшиланди. «Беруний» метробекати, «Олой» бозори ва Қорақамиш даҳаси ораси-даги болганишни битта транспорт орқали ба-жариш юзага келди.

Яқинда шаҳар ер усти ва ер ости барча йўловчи транспортдаги халқаро келишувчи би-ноан йўловчилар оқимини ўрганиш учун комп-лекс назорат ўтказилди. Унинг натижалари ҳозирги кунда ишлаб чиқилмоқда. Бу тад-бир, албатта, келгусида шаҳар транспорт йўналишларини қайта тўлиқ кўриб чиқиш ва шаҳарнинг сўнги 15-20 йилларга белги-ланган транспорт ҳаракатларини, унинг тармоқ-лари, режаларини аниқлаб беради.

«Олой» бозори ёнида янги қурилаётган ав-тобус станциясининг биринчи навбати ишга туширилиши арасида. Бу станцияда ҳар бир йўналиш учун алоҳида йўлақлар, машиналар-ни совитиш йўлақчалари, йўловчилар учун махсус қўтиш жойлари ва ўриндиқлар мав-жуд. Нозимхона бинолари давр талабига мос ҳолда қад кўтарди. Унда транспорт ҳодимла-ри учун барча қулайликлар муҳай қилин-ган.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.

НАТИЖА ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Луқма

Куз фаслида кунлар қис-қариб, тезда қоронғи кир-ди. Ишдан қайтиб келаятган йўловчилар бекатдан уйла-рига қайрилишлари билан таъблари хиралашади.

— Уфф, қачонгача қорон-ғида туртиниб-суртиниб юрамиз?

— 4-5 та симёғочга лам-почка ўрнатиш шўнчалик қийинми? Ё, тавба!?

— Мутасадди ташкилот-ларнинг раҳбарлари қачон қўчамаздан ўтиб қолишар-кин, бизга ўхшаб, туртиниб-суртиниб?..

— Бе, улар бу қўчага уя-лишганидан ҳам келиш-майди.

Ха, одамларнинг қуйин-

ганларича бор. Мана, икки йилдирки, Юнусобод тумани 14-мавзё, Юнус ота маҳалла-си, «Шодлик» кичик маҳалла-сидаги базой уйлари ёнида турган симёғочларда чирок ёнмайди. Улар бекорга ўрна-тилгандай, қаққайиб тураве-ришади. 14-21, 15-20, 16-19, 17-18-уйлар оралиғи йўлида-ги симёғоч чирокларининг ка-беллари ўзилиб, шу қўчага таъмирсиз ётибди. Туман ис-сиқлик таъминоти идораси мутасаддилари 1995 йилнинг май ойида иссиқлик қувурла-рини тузатиш мақсадида уш-бу уйлари олдини қавашлари натижасида бизларга шўндай «ёдорлик» қолди.

Уруш иштирокчилари: Фахриддин ИСЛОМОВ, Чингиз МАХСУМОВ, Меҳнат Фахрийлари: Жўра НИЗОМОВ, Эркин ТОШМАХСУМОВ, Собир НИШОНБЕКОВ.

лашмоқда. Коронғида, айниқса, сирпанчиқча юриш, ишдан чарчаб келаятган ки-шиларга, қарияларга оғир.

Шўндай аҳвол ҳақида биз 6-турар жой бошқармаси раҳбарларига неча бор куюр-ниб гапирдик. Туман ҳоким-лиги ҳам икки марта ёзма равишда мурожаат қилдик, натижа бўлмади. Балки, га-зета аралашувини қўтишаёт-гандирлар?

Киш-қировли кунлар яқин-

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 59

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси



Япроқлар ял-ял товланади. Тунги қировдан оппоқ ялтирган майсалар, томлар қуёш нурлари тушган бир зумгина ярқирайди. Иссиқ-совуқда банди-бўғини бўшаган япроқлар сал шамолга чирт-чирт узатиб ерга тушади. Шу онда Навоий ҳазратнинг машҳур сатри ёдга тушади: «Ҳазон си-поҳига бобон эмас мон».

Оёқлар остидаги ҳазонларга қараб туриб ўйлайсан киши: барглар ҳам инсон тадбиркорлигини синас керак. Тўп-тўп бўлиб ўюлиб ётган ҳазонларни нима қилиш керак? Қў-миб ташлаш керакми, далаларга сочиб юбориш зарурми? Ёки энг осони уларга ўт қўйишми? Одамзод ана шу учинчи осон йўлни танлайди. Ҳазонларнинг аччиқ тугуни кўкка ўр-лайди. Жонивор лов этиб бир лаҳзада кул бўла қолса ҳам майли экан, денг. Шаҳарда неча жойда ҳазонлар уюми ёнаётган экан? Ҳавога қанча захар чиқаётган, димогимизга қириб, кўнгилни беҳузур қилаётган экан...

Ҳазонлар филсимон катта-катта бўлса ҳам майли эди. Майда барглари бир жойга йиғилишнинг ўзи бўладими? Фар-рошлар ҳам анойи эмас, шартта уларни суғуриб кўча чет-ларидида бетон ариқларга ташлашди. Кўздан йироқ бўлса бас-да! Бунинг устига ариқлардан сув оқмаган барглари яйра-син-да!

Кузнинг яна бир ўзига хослиги бор: бу кўчат экишга давлати. Эрта баҳорда барг ёзиши учун кўзда ниҳол ер бағрига илдиэларини ёйиши зарур. Ҳўш, шахримизда бу иш қандай олиб борилади? Ҳар йили кўзда хиёбонларга, майдонларга, кўча четларига минглаб туп ниҳоллар экила-ди. Уларнинг кўли олдинги йили экилган, лекин қуриб қол-ган дарахтлар ўрнига ўтказилади. Аммо бу нега қуриб қол-

«Кўчат экиб, боғ ярат» дейди ота-бо-боларимиз. Бу бежиз эмас. Дарахт — у мевали бўлсин ёки манзарали — инсон-нинг энг яқин дўсти деса тўғри бўлади. Шу сабабдан ҳам кейинги йилларда кў-чат экишга катта эътибор берилмоқда.

Айни пайтда юртимизда мустақиллик шарофати билан катта кўламда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бинолар таъмирланмоқда, янгилари қад ростла-моқда, йўллар қурилмоқда. Бозорлар кен-гайтирилиб, шарқона тус олмақда. Дў-қонлар, савдо расталарининг сони бор-ган сари ортмоқда. ОНА шахримиз қиё-фаси борган сари янгиланмоқда, кўркам-лашмоқда.

Шу қурилишларнинг озми-кўлими шах-римиз ўсимликлар оламига, дов-дарахт-ларига дахли бор, албатта. Буларга дарахтлар кесилиши, гулзор, майсазорлар-нинг барбод бўлиши ҳоллари рўй бериб турибди. Шаҳар табиатни муҳофаза қи-лиш қўмитаси имконият даражасидан ке-либ чиқиб, бундай йўқотишларнинг ило-жи борича бўлмаслигига интилади. Чун-ки бир дона гул ўстиришнинг машаққа-

тини билган билади. Кесилган дарахтнинг, майсазор, гул-ларнинг ўрнини қоплаш зарур. Чунки дарахтлар қанча кўп бўлса, шахримиз ҳавоси шунчалар тоза бўлади. Шу са-баб ҳар йили мевали, манзарали дара-

Мутахассис фикрича... ҲАР ТУП НИҲОЛНИ АРДОҚЛАЙЛИК

хтлар, гуллар экишга катта эътибор бе-рилмоқда. Ободонлаштириш бошқармалари хо-димлари, тегишли ташкилотлар манза-рели дарахтлар боғдорчилиги жамoa ҳў-жалигидан ҳар йили маълум миқдорда кўчатлар олиб экадилар. Ўтган йили кўзда ва шу йил баҳорда Мустақиллик майдонида бир ярим минг тупдан зиёд

Бизнинг Тошкентимиз кўчаларимизда бундай дунёнинг энг гузал ша-ҳарлари билан ҳам рақо-батлаша олади. Шаҳримиз-нинг маданият ва истиро-ҳат боғлари эса ўзининг сў-лимлиги билан ажралай ту-ради. Ана шундай гузал масканлардан бири Мир-обод туманидаги Фуркат но-ми билан юритилаётган боғдир. Ушбу баҳаво гуша 14 гектар майдонни банд этган. Шарқий томони Ко-расув каналига туташиб кетган. Бу эса дарахтзор-лари суғоришда қулайлик яратган. Боғда 25 турдаги

Сўлим гўшалар ШОИР НОМИДАГИ БОҒ дарахт кўчатлари мавжуд бўлиб, айниқса, грек ёнғоқ-лари болаларга қувонч ба-ғишлайди. Боғнинг марказидаги ке-нг сайхонликка экилган тур-фа гуллар дам олувчиларга ўзгача завқ ҳадя этади. Яшил ихота ўсимликлари ҳам алоҳида меҳр ила пар-варши қилинган. Хиёбонларда ўтириб на-фас ростлаш мумкин. Тур-ли ўйин-кулгу учун мўлжал- манзарали, минг тупдан зиёд мевали, ўттиз минг тупдан кўпроқ буталар, минг тупга яқин терак қаламчалари экилди. Юнусобод туманида ҳам қузги ва баҳор-ги кўчат экишга катта эътибор берилди. Бу ерга икна баргли дарахт ниҳоллари-дан беш юз тупга яқин ўтказилди. Бек-темир туманида ҳам кўчат экиш ишлари яқши олиб боришмоқда. Экилган дарах-тлар майдони йил сайин кенгайиб бор-моқда. Маълумки, экилган дарахтлар ўз-ўзи-дан тўтиб, яшнаб кетмайди. Уни парва-ришлаш зарур, ўз вақтида суғориш, та-ғини юмшатиш жуда ҳам муҳимдир. Ма-саланинг бу томонига ҳам жиддий эъти-бор билан қаралса, овоз юртимизнинг пойтахти беш-олти йилдан сўнг яшил ли-босда ўз жамолини кўз-кўз қилади. Ўйлайманки, бизни табиат фарзандим, деб қанчалик ардоқласа, биз ҳам уни шунчалар қадрига етатиш.

Наримон АСАДОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қи-лиш қўмитасининг бўлим бошлиғи.

Дил тубидан КУЗ ЎЙЛАРИ



ди ўзи деб ўйламаймиз. Агар ҳар йили минглаб туп кўчат экилсаю у кўнгилдагидек парвариш қилинса, ҳозир шахри-миз бағри омон бўлиб кетарди. «Бир туп дарахт кестир-сам, ўрнига ўн туп кўчат ўтказдим» деган эди соҳибқирон Амир Темурақратлар. Шунчалар қатъият билан иш олиб борган бобокалонимиз дарахтлар парваришига ҳам қаттиқ эътибор бергани табиий. Бизда ҳам шу ҳислат намоян бўл-са қани эди! Булутлар тез-тез ҳавони қоплайди. Ёмғир ёғади. Бу куз-га хос ҳислат. Ёмғирдан кейин ҳаво қанчалар мусаффо бўлади. Шундай пайтда шаҳар кезиб, тўйиб-тўйиб тоза ҳа-водан нафас олсангиз-а! Лекин оёқ остига қарамайсиз. Қарасангиз таъбингиз хира бўлади: шилп-шилп йил, ҳазон-лар йўқаларга ёпишиб кетган. Бетон ариқларда ёмғир сув-лари, қоп-қора... Булар ўз ишимизга қандайдигимиз, шаҳ-римиз гузал бўлишига унчалик ҳафсала қилмаслигимиз бел-гис.

Катта кўчалар баҳарнон... Аммо одамлар кўздан йироқ бўлган, ҳаракат кам кўчалардаги аҳволга кўзингиз тушганми? Ҳар мулоҳида бир хунук манзара. Мабоодо чикинди олд кетилса, шох-шаббалар ойлаб ётади. Ёки тескариси. Ҳайрон қолсангиз: одамлар бунга шунчалар қўнқиб кетиш-ганими? Баҳона битта: ахлат машина онда-сонда бир кела-ди! Ёки ҳовлим, эшигим олди тоза бўлса бўлди-да, бошқа-си билан нима ишим бор ахир? Табиат эса бундай ҳолатни севмайди. У фидойиликни ақтиради. Фидойиларга у ҳам бағрини очади.

Шаҳримиз йилдан йилга кенгайиб борапти. Катта ша-ҳарнинг юмушлари катта бўлади. Қурилаётган қўшма, ки-чик қорхоналар, фирмалар, ошхоналар, корпорацияларнинг сон-саногии йўқ. Улар табиат энг барқ урган жойига ўз дў-қонлари, офисларини ўрнатмоқдалар. Албатта бунда би-ринчи қурбон табиат. Қанчалаб дарахтлар кесилди, майса-зор, гулзорлар топталди. Уларнинг ўрнини ким тўлдир-ади? Ким биринг ўрнига ўни экади? Ҳар бир дарахт, бута, гўёх шахримизнинг «яшил ўпкаси» эмасми?

Ариқлардаги зилот сувларни қуриб ҳавасингиз келади. Унда худди олам аксланади. Сув тубидаги тошгача кўзин-гизга ажиб сеҳрли кўринади. Лекин шу сувни ҳовучлаб ича оласизми? Узингизда журъат топа оласизми шунга? Кўз ҳаёлларга судрайди. Ҳозир шахримизнинг янги ли-боси қаҳрабон тус касб этган. Дов-дарахтлар киш кўрпасига ўраладиган, қор ёғадиган кўнлар ҳам узоқ эмас. Ҳамма нарса кўздан нари бўлади. Лекин баҳор яна келадими! Яна киш кўрпасини оладику!

Буёқ табиатшунос Михаил Пришвин: «Табиатга нисба-тан қилинган жиноят. Ватан олдидаги жиноятдир» деган эди. Шаҳримиз олдидаги бурчинга — унинг табиатини му-саффо сақлаш. Бунга ҳар лаҳза гапираримиз. Уни амалда ис-ботлаш керак. Амалда исботлаш — шахримизга муҳаббат-инимиз намойиш этишдир. Ҳар бир тошкентлик қалбиде ана шундай муҳаббат бор-лигига аминдир! Шу муҳаббат Тошкентни гузал қилишига, табиатини сўлиму дилбар айлашига ишонаман. Ғолиб МИРЗО.

Текширишда аниқланди УЧ МИРИ ЗИЁН БЎЛМАСИН

Экологик муаммолар қанчалик долзарб-лашгани сари, назаримизда, одамларнинг ло-қайдлиги кучайиб бораётган. Ҳўжасизлик, эътиборсизликни нима деб изоҳлашга ҳам ҳайрон қолади, киши. Шаҳримизда ифлосла-наётган сувлар, тобора оқовалардаги шими-риллаётган зарарли моддалардан тўйнаётган ер, нафас олиб турганимиз ҳавога чиқаётган зарарли, захарли бирикмалар ҳақида наҳот-ки қорхоналарнинг мутасаддилари билишма-са?!


Ўтган ойда қўмитамиз назоратчилари то-монидан ўтказилган текширишлар экологик муаммоларга муносабатлар «Бир мири ҳамён, уч мири зиён» қабилида эканлигини кўрсат-ди. Бўлмаса қуйидаги мансабдор шахслар жа-рима тўлашга мажбур бўлмасдилар: «1-Тош-кентуёсозлик комбинати» ҳиссадорлик жамия-ти бош муҳандиси Р. Турсунқулов 550 сўм тўлайдиган бўлди. Сабаби олдин: ёқилга-мой сақланадиган омонбой лойиҳаси йўриқнома-ларини шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўми-таси билан келишмаган. Худди шундай, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланмиш «Элма» қорхонасининг атроф-муҳитни асраш бўйича муҳандиси С. Карамилеванинг ҳам 600 сўм билан «хайрлашшига» тўғри кел-ди. У сувдан фойдаланиш учун махсус ру-хсатномани ўз вақтида расмийлаштирмаган, сув сарфини ҳисоблаб бориш учун махсус журнал тутмаган экан. Сергели АБЗ қош-даги «КОМЕТА» кооперативи раиси В. Ким 1650 сўм жарима тўлайди: чунки бу қорхона худудиде фаолият юритиш учун рухсатнома расмийлаштирилмаган, давлат экологик экс-пертизасининг ҳам маълумловчи ёрлигини ол-маган. Сергели АБЗ директори вазифини бажарувчи В. Еловнинг ўзи ҳам 1650 сўм миқ-дориде жарима тўлайди. Сабаби атроф-му-хит тазалигига жиддий зиён етказадиган зар-рарли чикиндиларни бартараф этишга ўз вақ-тида жиддий эътибор кўрсатмаган. Яна Сер-гели туманида жойлашган фуқаро авиация-сига қарашли 243- завод ҳақида ҳам кўп гап-лар бўлиб туради. Бу сафар 5-цех бошлиғи В. Брагиннинг жарима тўлаш навбати келган экан, у 1650 сўмни санаб беришга тўғри кел-ди. Сабаби ҳавога зарарли моддалар чиқи-ши меъёридан бир неча марта ошиб кетган экан. Ўз вақтида тазалаш қурилмаларини қўз-дан кечирмаган шундай бўлади-да!

8-темир-бетон буюмлари заводи бош му-ҳандисининг ўз ишига совуққонлик билан му-носабатда бўлиши, табиатга етказган озори эса 2000 сўм деб баҳоланди. «Прогресс» («Та-рақийёт») кичик қорхонасининг директори В. Луценко ҳам жарима тўлашдан қурқ қол-мади. Унинг ишлатилган сувларнинг оқиб чи-қиб кетиши учун йўл тополмагани 550 сўмга тўшди. 6-темирбетон буюмлари заводи бош нурчиси Г. Голубев ҳам 500 сўмидан ажрал-ди: артезиан қудуғи санитария зонаси ўраб қўйилмагани учун шундай қисмат бошига ту-шди. «Тошиқкиламчикораметалл» ҳиссадорлик жамиятининг катта нурчиси А. Манохин, цех бошлиғи Ю. Ебековларнинг ҳар бири 500 сўм-дан жарима тўлашди: улар ишлаб чиқариш жараёнини, технологияни соғлаб қўйишма-гани учун жаримага тортилдилар. Транспорт участкасининг бошлиғи А. Қиранов ҳам 600 сўмдан ажрашга тўғри келди. У раҳбар бўл-ган тарафда қўп миқдорда ёқилга-мой маҳ-сулотлари тўқилиб-сочилиб ётбди. Лекин бир қорхонадан уч киши жаримага тортили-ши ҳали учрамаган ҳол эди. қорхонада та-биат муҳофазасига эътибор қай аҳволдали-гини билиб олиш унчалик қийин экан.

Бир неча қорхоналарнинг цехлари, участ-қаларининг иш фаолиятлари тўхтатиб қўйил-ди. Бекатда қад ростлаган «Физиотерапия» савдо мажмуи сув оқадиган бетон ариқлар устига қурилгани учун ёпиб қўйилди. Худди шундай «Тошкент-лада» ҳиссадорлик жамия-ти мотор участкаси ҳам вақтинча тўхтатилди. Бу ерда ишлатилган сувлар тазаланмасдан шаҳар канализациясига ташланган экан. «То-шуйқуриликкомбинати»нинг 1-заводи ҳам ёпилди. «Ўзбекистон» электродепозитинг ҳам бир цехи атмосферага беҳисоб чанг чиқар-гани учун ёпиб қўйилди.

Жарима тўлашлар, иш фаолиятини тўхта-тиб қўйишлар маъмурий жазо, ҳолос. Лекин бу жазо бора-бора газак оlib, ўзимизнинг бошимизга ноҳушликлар келтиришнинг ун-тишимиз керак эмас! Чунки нафас оладиган ҳавомиз, ичадиган сувимиз, яшайдиган ери-миз битта.

Наргиза ЁДГОРОВА, Тошкент шаҳар табиатни асраш қўмитаси экологик тарғибот бўлимининг етакчи мута-хассиси.



Назм чечаклари ЭЪЛМАР

Биласизми, ҳавога Ҳўш бўйлари таралган — Гуллар асли самода Учмоқ учун яраган.

Сиртдан заиф, ботинда Поёгон қўшлар улардир. Кўксидан қоп отилган, Алмон қўшлар улардир.

Етук, олий ҳусна Узимиз гарчи зоримиз, Лекин сирин йўсимиз, Гуллардан қардоримиз.

«Менга сиз кўрк бўлинг!» деб Шўрлик садо қиларди. «Гулдай кўркка тўш!» деб Тилмай идо қиларди.

Доим дуч келса — оғир, Ғўфил, шармайдилар. Нишонмай қўйди оҳир У биз, хор бандаларга.

Бир таянч топиб аммо, Сувни оғир қилиб қор, Келиш гуллардан танҳо Шўрлик бўди умидвор.

Кетказасиди гулларни Кўрк топарди қаёбдан? Кўкка қўймай уларни, Ушлаб турар оёқдан.

Тушунгангизсиз энди, Ору-умиди абор — Гуллар олдиде мансу Билар нечун гуноҳкор?!

Ҳар йили орзулардан Улар жудо бўлалар. Ишнб, кўркка тўлар-да, Ерга фидо бўлалар.

Ҳеч вақт бу олий бардош Қамалгай ташналарга. Силгини бу қопи бош, Кўккарган таналарга.

Қачон пок туйғуларни Кечирса бор одамдод, Юрғиса уларни Кўчирса ҳар одамзод, — Етиб орзу-тилакка, Улар рўй-роқ учалар. Ер қўйворар, фалакка Гуллар зурро учалар.

Ҳозир бағри бўлиб қоп, Ниҳаб ўнаётдилар. «Камолга етсин инсон, — Дел қўнатишлар.

Кел энди, эй, азиз дўст, Қурашга шайлануримиз. Ана шу қўнсан мавнос Гулларга айлануримиз.

Юрак нурга ўжай-ю Бағир қолса бўлиб тош, Қўнган сезар, тусайди Бир кун гулларда бардош.

Шундай бўлса башарти, Ҳамманинг қўнган ташлаб, Тўзалмаган башарни Даҳшатли қаёрга ташлаб, —

Ўз сабридан тамоман Чўчиб кетар бу гуллар. Ерни олиб самога Учиб кетар бу гуллар.

Туроб ЮСУПОВ.

Ғапни гапир уққанга ҚАНИ ЭДИ...

Куз одатда юрта тўкинлик, пишиқчилик олиб келади. Дов-дарахтлар тиллодек товланиб, кўзи олади. Лекин куз шахримизга айни пайтда ташвиш ҳам олиб келади. Кузда томларга қарасангиз бурқсийган тугунларни, ёнаётган олов-ларни кўрасиз. Бу — битум бўлади.

Гоҳ-гоҳ ўйлаб қоламиз: лавозимлардаги айрим мансаб-дор шахслар битум қайнатиладиган қозонлардан арзима-ган маблағни иқтисод қиламан деб чикиндиларни олиб кет-масдан кишилар соғлиғига катта зарар етказди. Шаҳар ҳуснига доғ бўлиб ётган битум қолдиқларинику айтмасам ҳам бўлади.

Қўмитамиз назоратчилари бир қанча текширишлар ўт-казди, қойдабузарчиликларга дуч келди. Бир қатор ман-сабдор шахслар жаримага тортилди. Марҳамат танишинг: Ф. Мамедов — «Тошчентэкоурлит» трестининг 3-қурилиш бошқармаси прораби; С. Исмаилов — «Махсустрас»нинг 7-қорхонаси бош муҳандиси; Х. Турдиев — 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармаси прораби; М. Мирзамов — «Тошкент» аэропорти профилактика бўлиғи; Н. Тер-Обанов — «Водолей» фирмаси директори ва бошқарар.

«Бирни кўриб фикр қил» дейди халқимиз. «Шўрқки, дил-ни равшан этадиган хушбаҳо ҳам бор. «Шарлей» (дирек-тори Э. Авановский) қорхонаси ходимлари Салор канали кир-гоқларига катта эътибор беришди. Улар 17 машина чи-қиндиларни олиб кетишди, канал ўзини тазалашди. Ка-нал соҳиллари, унга туташ катта майдон ҳозир обод бўлиб кетди. Ахлатхона ўрнида хиёбон бунёд этилди. Бу ерда одамлар, айниқса, болалар мириқиб хордик чиқармоқда-лар.

Қани эди, саҳоватли кишиларимиз кўп бўлиб, табиат бағрига малҳам қўйишаверасю жаримачилар қамайгандан қамаяверасю! Ишонимизки, шундай кун келади.

Артур МУСТАФИН, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси на-зорат бўлимининг бошлиғи.

Қуёнчақлик билан ёзилган НАТИЖА СЕЗИЛМАЯПТИ

Ҳозир экологик аҳволнинг танглиги барчани ташвишга солаётгани сир эмас. Нафа-қат Республикаимиз, Ҳамдўст-лик мамлакатлари, балки ду-шоотларнинг ишлаш самар-дорлигини, йўл қўйиши мумкин бўлган меъёр-ларни қатъий текширишдан иборат. Шу мақсадда МА-ТН қорхоналар, муассаса-лар, ташкилотларда назор-ат ишлари олиб боради.

Йил бошидан бери му-тахассисларимиз 81 қорхо-нани синчиклаб кўздан ке-чирдилар. Сувга, ҳавога чи-қаётган зарарли моддалар, ерни ифлослантираётган манбалар аниқланди. Та-биат муҳофазаси қонун-қондаларига амал қилин-маётган қорхоналарга тур-ли миқдорларда жарима-лар солинди, зарур кўрсат-малар берилди.

Хулоса қилиб айтганда сув, ҳавога чиқарилаётган чикиндилар борасида 517 марта таҳлил ўтказди. Аммо натижалар доимо кўнгилдагидек бўлавер-майди. Бу эса барчанинг экологик муаммолардек ечимини кутаётганимиз дол-зар муаммога панжа ораси-дан қарашинг оқибатидир. Людмила ТРАКТИРСКАЯ.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Ҳамза туманидаги «1-Тошкентуёсозлик комбинати» ҳис-садорлик жамиятидаги қозонхона 1964 йилда қурилган. У бир неча қорхоналарни, қўрғонни (Қурувчилик қўчасида-ги) иссиқлик билан таъминлайди. Бу ерда 44 киши иш-лайди. Қозонхонада 8 та буғ қозони мавжуд. Лекин у газ билан ишлаётган бўлишига қарамай, иккита мазут сақла-надиган битта 500 кубометрлик, битта 2000 кубометрлик идиш-лар ҳам бор. Мазут захирадиги ёниги ҳисобланади. Қо-зонхонадаги ишлатилган сувларнинг ҳаммаси суткасига (10 кубометр ҳажмида) Баротхўжа каналига келиб қўшилади. Сувни тазолаш қурилмалар йўқ. Қуриш назарда тутилма-ган ҳам.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан қозонхона кечирилганда, табиат муҳофазаси бора-сида ўтказилган тадбирларга қарамасдан қуйидаги камчи-ликлар борлиги аниқланди: ишлатган станцияларда, эски мазут ҳайдаладиган линияда мазут қолдиқлари мавжуд экан. Қозонхона худудига 15 тонна миқдорда котган тузалар ёт-гани маълум бўлди. Баротхўжа каналига оқва сувлар таш-лайдиган манба борлиги ҳам аниқланди.

Шундан келиб чиқиб шаҳар табиатни сақлаш қўмитаси томонидан қозонхона маъмуриятига тез кунда сувдан мах-сус фойдаланиш учун рухсатнома олишни, ишлаб турган линияни мазутдан батамом тазолашни, борбарт атрофи-даги тупроқни ҳайдаб, юмшатиб, бута, дов-дарахтлар экиш-ни, техник чикиндиларни тезда бартараф этишни тасвир қилди. Сувга чикиндилар ташлайдиган 2-манбани йўқотиш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари «1-Тошуйқуриликкомбинати»га қараш-ли 1- завод қошидаги гаражининг машиналарини ювиш жойи ҳам ёпиб қўйилди. У асосан айланма сув таъминотини йўл-га қўйишга эътибор бермагани учун шундай қилишга маж-бур бўлиди.

Йўл қўйилган камчиликлар қачон, қандай бартараф эти-лади — бунга келгуси текширишлар кўрсатади. Ҳар ҳолда эътиборсизлик биргина қозонхона ёки комбинат жамоаси-га эмас, барчамизга қимматга тушиборини тушунадиганлар бор бўлса керак!?

Равно НЕЪМАТУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ходими.

Раҳмдил ва муруватли бўлайлик

ИНСОНИЙ БУРЧ

Давлатимиз кундан-кунга ўсишда, тараққий этишда давом этиб, кўзланган марралар сари янада дадил ҳаракатланмоқда. Айниқса, иқтисодий тизим шаклланиб бормоқда.

Шундай кезларда оилаларнинг кам таъминланган табакаларига, ногирон ва табиатан мажруҳ бўлган тоифаларига ёрдам қилини чўзиш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир.

Яқинда Тошкент шаҳар кўзи оғирлар жамиятида бўлиб, бошқарув раиси Шомаҳмуд ШОҒАЙЗИЕВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Хабарингиз бор, — деб гап бошлади раис. — Жорий йилнинг 1 октябр кўзи қариялар кўзини кенг нишонладик. Шу кўзи шаҳримиздаги уруш ва меҳнат фахрийларини чақириб, ош беришди. Биз, кўзи оғирлар жамиятига ҳам эътибор берилди. Ҳадемай, шу йилнинг декабрь ойида биз, кўзи оғирлар кўзини ўтказмоқчимиз. Шу кўзи жамиятимиздаги барча аъзоларимизга совға-саломлар улашмоқчимиз.

— Эшитимизми, жамиятга корхона, ташкилот ва муассасалар хайрия ва эҳсонлар жўнатишади...

— Кўз тегмасин, халқимиз одамхон, меҳрибон ва муруватли. Бир одамнинг бошига ташвиш тушганда ҳеч ким бефарқ қараб турмайди. Имкони борича ёрдамга ошиқади. Яқинда ана шундай саховатли ташкилотлардан бири — «Усанотқилишбанк» ҳисоб рақамимизга маблағ ўтказди. Жуда хурсанд бўлдик. Фурсатдан фойдаланиб «Усанотқилишбанк» маъмурияти ва ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирдимиз. Ажаб эмас, бошқа корхона, ташкилот ва муассасалар ҳам биздан ёрдамларини дариг тутмасалар... Ҳисоб рақамимиз 000700141, Махсус. АК Пахта банк МФО 172601403. Манзилимиз Чилонзор тумани, Волгоград кўчаси, 28-«а» уй. Ўйлаймики, бу маблағлар декабрь ойида ўтказилажак кўзи оғирлар кўнида ўз эгаларига, яъни кўзи оғир бўлган ногиронларимизга, уларнинг оилаларига етиб боради ва хонадонларини чаргон қилади. Савоб ишлар эса унутилмас ва ўчмасдир.

Зокир ТУРПУНОВ.

Ўқув масканларида

ТАПАБАЛИККА БАҒИШЛОВ

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри биносиде Яулдош Охунбобоев номли тиббиёт билим юрти талабаларининг талабалikka бағишланган «Қасамед қабул қилиш» кечаси бўлиб ўтди.

Ҳар ўқув йили бошида ўтказиш яхши аниқанага айланган «Қасамед қабул қилиш» кечасини билим юрти директори ўринбосари Инобат Қасимова олиб борди. «Авлодлар учрашуви» кимсида 50—60-йилларда шу билим юртини битириб кетган кўкса мураббийлардан Аҳд Тошқўжаев ва Шамсия Шепиловалар ўз дил сўзларини изхор этишди.

Сўнг ҳамшира бўлимига янги қабул қилинган талабалардан С. Султонова ва Н. Казанцевалар Гиппократ қасамедини ўқиб эшиттирдилар. Залда ўтирган барча талабалар бир овоздан қасамедга содиқликларини изхор қилдилар. III курс толиби Ҳабибулло Жавлиев билим юртининг рамзий билим қалити ва талабалик дафтрасини тантанали равишда I курс талабаларига топширди. Улар ҳам ўз навабатида аёқ баҳолагарга ўқишга ва оқ халатга доғ туширмасликка ваъда бердилар.

Кеча охирида Ҳамза театрининг бир гуруҳ актёрлари ижросида «Мирзо Улугбек», «Зебунисо», «Олтин девор», «Йўланиш» спектаклидан парчалар ижро этилди.

Насиба МУҲИБОВА.

Алломиш авлодларимиз

«ТУЛПОРДА ЧОПАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧАВАНДОЗИ...»



Қадим аждодларимиз чавандозликда тенгсиз бўлганлар. Бу ҳақда кўна юнон солномларида ҳам кўп-кўп маълумотлар бор. «Икки дарё оралиғида (яъни Амударё ва Сирдарё) яшовчи скифлар дунёда энг муносиб, толмас чавандозлардир, уларга бу борада ҳеч ким тенг кела олмайдди, ўз фарзандларини ҳам улар от устида тарбиялайдилар», — деб хайрат билан ёзишган юнон тарихчилари.

Бугунги кунга келиб, техника нечоғлик ривожлангани, инсон ҳаёти ва фаолиятида отларнинг ҳам муносиб ўрни, аҳамияти бор. Уққур тулпорлар гўзаллик, куч-қудрат ва шиддат рамзи сифатида қадрланади. Бепойн яшил кенгликлар бўйлаб отда шамолдек олиб кезишни ким орзу қилмайди, дейсиз!

Шаҳримизнинг Мирзо Улугбек туманидаги «Олтин тепа» маҳалласи ҳудудида чавандозлик мактаби борлигини ҳамма билмас керак. Республика чавандозлик олий маҳорат мактаби деб аталувчи ушбу даргоҳ унчалик катта эмас. Унда 12 дан — 30 ёшгача бўлган 80 нафарга яқин спортчи шуғулланади. Мактабнинг ноёблиги шундаки, у республикамизда чавандозлар ва от спорти бўйича мутахассислар тайёрловчи, шунингдек ушбу кўна ва қизқаргли спорт турлари мусобақалар уюштирувчи янса марказ ҳисобланади. Чавандозлик бошқа спорт турларига қараганда қимматбах ва мураккаб ҳисобланади, чунки от спорти билан шуғулланиш учун алоҳида махсус майдон ва жиҳозлар зарур бўлади.

— Шунга қарамай кимки, отга бир меҳр қўйса, у сунгра севдан ажралмайди, — дейди чавандозлик мактабининг директори, спорт устаси Равадан Саъдуллаев. — От шундай бир тилсимли, хосиятли жонивор-да. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида от ҳақидаги ривоят ва маталлар бисёр. Айтишларича, от доимо ўз эгасига риқат тилар экан, «От бор хонадонга кўт-барақа, фойз кирари», деган гап ҳам беҳикмат эмас. Отада юриш соғлиқ учун ҳам фойдали таъсир кўрсатади. 80—90 ёшида фарзанд кўрган чавандозлар ўғилларини Саксонбўй, Тўқсонбўй деган атаганлар...

Чавандозлик юртимизда чуқур ва қадимий аниқналарга эга. Ҳозир от спортининг халқаро қондалар асосидаги бир неча тури мавжуд. Ўзбекистонлик чавандозлар собиқ ИТТФК даврида ҳам доимо энг юқори марраларда турганлар. Шунинг айтиш кераки, пешкадамлик аниқнаси баъзи бир муаммолар бўлишига қара-

НАФИ КАТТА

Ўдингизда бўлсин

Ҳавонинг ифлосланиши — хомлигида, қайнатилган, қоруврилган ҳамда кўрга кўмилганда ҳам пўстини арчиб ейиш керак.

● Қора қарағат (смородина) ҳам лавлага билан ёнма-ён туради. У нур касалликларининг олдини олади. Бадандаги нуклоидларни чиқариб ташлайди. У исталган кўришнида тановул қилинади.

● Шу жиҳатдан қарама ҳам фойдалидир. Бироқ унинг битта «лекин»и бор. Устини бағрлар ва ўзагини емаслик лозим.

● Таркибида қизил пигментлар бўлган шарбатлар, чунончи, узум, анор, олча, помидор, қизил лавлага ва шу каби мева-сабзавот шарбатларини илжови борича кўпроқ ичинг.

● Тановул қилишдан олдин картошка ва лавлагининг пўстини, албатта, арчиб ташланг. Унинг таркибидаги зарарли моддалар қайнаши. Сабзавотларни қайнатиш ва тузлаш лавлагидеги қизил ранг — бетанин шигга қарши ҳоссага эгадир. Уни барча кўришнида

Доно АҲМЕДОВА.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТАРИ ДИҚҚАТГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактик ишлар олиб борилиши муносабати билан 28 октябрдан 3 ноябргача Қорақамчи 2/4 даҳасидаги 1-а, 2-а, 3-а, 4-а, 5-а, 6-а, 8-а, 38, 39, 42, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 53, 54, 55, 56, 59-а, 60-а манзилидаги уйларда яшовчи 29-АТС абонентларида алоқа бўлмайд.

Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ДИҚҚАТ!

Тошкент авиация техника лицейи ўрта маълумотга эга бўлган ва ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ийгитларни қуйидаги мутахассисликларга ўқишга тақлиф қилади:

- 1. Учин аппаратларини йиғувчи чилангар
- 2. Механика ишлари бўйича чилангар
- 3. Чилангар, сантехник-газпайвандчи
- 4. Токарь-фрезерчи

Ўқиш муддати 6 ой. Ўқув машғулотлари 1997 йил 2 январдан бошланади. Ўқувчиларга 917—1145 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, бошқа шаҳарлардан келган ийгитлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак:

- 1. Ариза
- 2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат
- 3. 3/4 ҳажмдаги 6 та сурат
- 4. 286 формадаги тиббий маълумотнома
- 5. Паспорт
- 6. Ҳарбий ҳужжат

Лицейни тамомлаганлар Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат ҳиссасдорлик жамиятига ишга юбориладилар.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 331-уй.

Автобуслар: 30, 110, 119, 161. Трамвайлар: 6, 29. Тошкент авиация техника лицейи бекати.

Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20; 96-39-72.

АҚШДА АМАЛИЙ ТАЖРИБА ЎТАШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

«АЙРЕКС» замонавий, долзарб соҳалар бўйича малакасини ошириш ниятидаги ўзбекистонликларга ўзининг янги дастурини эълон қилади. Мазкур дастур АҚШда амалий тажриба ўташ ва тадқиқотлар ўтказиш учун аjoyиб имкониятдир. Ижтимоий ва гуманитар фан соҳалари билан боғлиқ грантларимиз келажакнингизга ижобий таъсир қилади, деб умид қиламиз. Дастур бизнесменлар, тадбиркорлар, давлат хизматчилари, нодавлат корхоналарининг ходимлари ва олимларга мўлжаллангандир. Номзодлар 25 ёшдан 60 ёшгача бўлишлари мумкин. Инглиз тилини билиш талаб қилинади. TOEFL топшириш шарт эмас. Сизларни кутамиз.

Маълумот учун телефонлар: 41-59-97, 41-42-13. Адресимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 6/2, IREX.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бoshқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти, фан ва халқ таълими ходимлари шаҳар қасаба уюшмаси кўмитаси, туманлар халқ таълими бўлиmlлари, педагогик жамоалари собиқ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Анвар Марасулов КЎЧКОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Покистон пойтахти Исломободда келгуси йилнинг октябр ойида ислом давлатлари хотин-қизларининг олимпиадаси ўтказилади. Меъзоларнинг тақлифларига биноан ҳамюртларимиз ҳам ушбу мусобақаларда иштирок этишади. Шунинг айтиш жоизки, спортчи қизларимиз бундай мусобақада илк бор иштирок этишади.

СПОРТ ОЛИМПИАДА ОЛИДИН

олимпия олдидан ўтказилаётган кўрик ўйинларда қатнашиш учун Исломободга жў-

наб кетишди. Албатта биз уларнинг муваффақият қозонишига ишонамиз.

Яна бир гап. Бу мусобақалар кўшин ислом давлатларининг хотин-қизлари билан ва қолаверса, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Зеро, бу олимпиаданинг ўтказилишидан кўзланган мақсадлардан бири ҳам шу.

Тўлқин РЎЗИЕВ.

БҮРИ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

(Овчи ҳикоялари туркумидан)

У пайтларда кирчиллама йиғит эдим. Билангидеги куч заңирини узишга етарди. Ёзи билан дехқончилик қилиб, қишда тенгқурлар билан гап ердик. Тоҳ-тоҳида кўнгли тусанганда овга чиқардик. Ишим ўнгидан келса кийик, жуда бўлмаса уч-тўртта кўён етардик.

Қачонлардир бу ерлар — Помир-Олоӣ тизмалари кўм-кўк майсалардан янсаб, гуркираб ўсган дарахтлар, қушларнинг чуғурига тўлиб-тошган. Ўт-ўлани хушхўр, шифобахш ўсимликларга бой бу ўлкада хизр буваимизнинг отлари ўтлаб юрган. Шу сабабдан хизр бува чорлаганда ўз вақтида етиб бора олмаган. Хизр бува отларига бу жойларда ўтлашни ман қилсалар ҳам, жониворлар ўз билганидан қолмаган. Шундан кейин бу тоғларни қараб, гиёҳ ўсмайдиган тошларга айланган кўйган экан.

Бунинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигини билмайман, лекин бизнинг тоғларда қачонлардир ҳаёт қайнаб-тошганлиги ва яна яқин йилларда шундай бўлишига одамнинг ишонгиси келди.

Шундай бўлса-да, қишда, қалин қорлар ёқанда бу кенгликларда ов қилишнинг гашти бўлақча. Соқин, оппоқ қорга бурканган қирларда ёлғиз тентираш менга ажиб хузур бағишларди.

Баҳор чоғи эди. Олам чароғи қишнинг ру-тубатию губорларини ҳайдаб, бутун борлиқни ёруғ нурларга тўндириб юборди. Қайфиятим яхши эди. Ер кўчиб, баҳорнинг хиди димомимни қитқиларди.

Кун бўйи айланиб ҳеч нарса отмадим. Битта чиройли кийик учради. Жудаям соғлом, ёш эди, отгим келмади. Унинг хотиржам одим ташлашига махлиб бўлиб, термулиб қолдим.

Унинг шериклари учраб қолар деган умидда каттакон сайхонликка тушдим. Адирлардан кўз узмай, тўсатдан бўрининг олдидан чиқиб қол-

дим. Бехосдан унга кўзим тушиб, чўчиб кетдим.

Кулранг бўри ўзини офтобга солиб ухлаб ётарди. Хайрияти, уша кўни олапарни уйда қолдирган эдим. Бўлмаса бири балони бошларди. Бунчалик катта бўрини умримда кўрмагандим. Қўштинги қўлимга олиб, уни отишни чамаладим. Юрагим дов бермай, охиштиртимга тисарилдим. Бўридан секин-аста узоқлашиб, тепалик ортига ўтиб, беҳол ёнбошлади. Нафас ростлаб, ўрнимдан турган эдимки, мен томонга ўқдай учиб келаятган оҳуға кўзим тушди. Уннинг орқасидан эшакдай келадиган кўк бўри изма-из келарди. Шошиб миллиқин елкамдан олдим. Отишдан бошқа иложим йўқ эди. Ўқларимнинг иккаласини ҳам катта кўроғишдан ўзим тайёрлагандим. Овчилар тўлида тўнғиз ўқ дейилади. Ҳаш-паш дегунча кийик шувиллаб ёнимдан ўтиб кетди. Иккиланибгина тепкини босдим. Ўқ бўрининг чап оёғини ялаб ўтди. Йирткич жон ҳолатда йўналишини ўзгартириб, менга ташланди. Агар хил ёқичқанимда кекирдигимни узиб кетарди. Узимни орқага отганим мени ўлимдан сақлаб қолди. Бўри гавдасини тўхтага олмай, мувозанатини йўқотиб, думалаб кетди. Узини ўнглаб мен томонга бурилганда калласини нишонга олиб, тепкини босдим. Кўп йиллик тажрибам панд бермади. Ўқ бўрининг пессонисини қоқ иккига бўлиб ташлаганди. Шундай бўлса ҳам мен томон судралиб, оёғим олдидан ким берди. Омон қолган жайрон эса нариги тепаликда бизнинг бу олишувимизни кузатиб турарди.

Шу кўни биринчи марта овдан қуруқ бўлиб қайтдим. Лекин қайфиятим яхши, рўҳим қушдек енгил эди.

Раҳмон АЛИ.



Дам олиш оиларини оила, ёр-дўст даврасида, қуноч билан табиат бағрида ўтказиш қандай соҳ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Маъзиллимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.